

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2024 йил ноябрь ойининг 22 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди суд биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья С.Абдуганиев, судья ёрдамчиси Ж.Ўраловнинг котиблигида, судланувчи XXXXXXXXXXXXX ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган адвокат Э.Носиров, давлат айбловчиси Мирзо Улуғбек туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ф.Юнусовнинг иштирокида, XXXXXXXXXXXXXга нисбатан 1-1001-2405/654-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

XXXXXXXXXXXX (XXXXXXXXXXXX), 1986 йил 3 апрелда Фарғона вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали икки нафар фарзанди бор, судланмаган, «XXXXXXXXXXXX» МЧЖ раҳбари,

яшовчи, 2024 йил 12 сентябрда гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 181¹-моддаси 1-қисми, 189-моддаси 1-қисми ва 233-моддаси билан айбланган.

Суд судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

XXXXXXXXXXXX 2013 йил 31 май куни Мирзо Улуғбек туманида давлат рўйхатидан ўтган «XXXXXXXXXXXX» МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаб келиб, 2019 йил 18 февралда АИТБ “XXXXXXXXXXXX” Яккасарой филиалидан 141.500 АҚШ доллари миқдорида кредит олиб, кредитни тўлаш муддатини ўтказиб юбориб, 2022 йил 11 октябрь холатига банкдан 31.490,97 АҚШ доллари асосий қарз бўлса-да, кредитни тўламасдан ва гаров қўйилган мулкларни банк муассасасига тақдим этмасдан, ўзига ишониб топширилган ўзганинг жуда кўп миқдордаги маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

XXXXXXXXXXXX ўзининг жинойий ҳаракатларини давом эттириб, «XXXXXXXXXXXX» МЧЖ раҳбари бўлиб ишлаган даврда 2020 йил холатига АИТБ «XXXXXXXXXXXX» Яккасарой филиалидан 391.999.909 сўм миқдорида кредитдан қарздорлиги бўлса-да, ушбу даврлар мобайнида жамият ҳисоб-рақамида пул маблағлари бўлишига қарамай, ушбу пул маблағлари хисобидан кредитдан бўлган қарздорликни бартараф этиш



чораларини кўрмасдан, хисоб-рақамдаги пул маблағлари хисобидан 112.660.246 сўмини ўзининг таъсисчилиги остидаги «XXXXXXXXXXXX» МЧЖнинг кредит қарздорлигини бартараф этиш мазмунида ҳамда 336.000.000 сўмини эса жамиятнинг корпоратив картасига ўтказиб олиб, жамиятнинг тўловга қобилиятсизлигини касддан юзага келтириб, 2023 йил 21 ноябрда Тошкент туманлараро иқтисодий судининг қарори билан «XXXXXXXXXXXX» МЧЖни банкрот деб топилишига эришган ва "АИТБ «XXXXXXXXXXXX» Яккасарой филиали манфаатларига жуда кўп миқдорда яъни,

391.660.246 минг сўм зарар етказган ҳолда жамиятни касддан банкротликка олиб келган.

XXXXXXXXXXXX ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, «XXXXXXXXXXXX» МЧЖни молиявий хўжалик фаолиятини юритган даврида 315.217.000 сўмлик товар моддий бойликларни нақд пулга сотиб, сотувдан тушган нақд пул маблағларини назорат касса машинасига кирим қилмаган ёки хисоб-варақ фактуралар расмийлаштирилмаган ҳолда, жамиятга хизмат кўрсатувчи банк муассасасига топширмасдан, жуда кўп қийматдаги савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузган.

Судланувчи XXXXXXXXXX суд мажлисида, барча эпизодлар бўйича айбига иқрорлик билдириб, «XXXXXXXXXXXX» МЧЖда 2019 йилнинг май ойига раҳбар бўлиб ишлаганлигини, жамият номига кредитга 4 та қурилиш автомашинаси олинганлигини, ушбу автомашиналарни ижарага бериш билан шуғуланганлигини, «XXXXXXXXXXXX» МЧЖ ҳам унга тегишли эканлигини, шу сабабли 112.660.246 сўмни «XXXXXXXXXXXX» МЧЖнинг кредит қарздорлигини бартараф этиш мақсадида ўтказганлигини, банк кунлари ишлаган кунлари учун қурилиш учун бозордан маҳсулотлар олиш учун олиб келганлигини, чунки шу нарса зарур бўлган, шу сабабли ҳам корпоратив картага олганлигини, қурилиш материалларини бозордан корператив карта орқали сотиб олганлигини, хужжатларини топа олмаганлиги сабабли терговга тақдим эта олмаганлигини, банк ходимлари келиб бинони ва бошқа гаров таъминотларини кўрсатишини айтганларида у дастлаб уларга гаров таъминоти сифатида қўйилган биноларни кўрсатганлигини, кейин улар кредит қарздорлигим камайганлиги сабабли шуни ўзи етарли бўлади деб айтишганлиги учун қолган транспорт воситаларини кўрсатмаганлигини, ҳозирда, гаровда турган "Mercedes-Benz" русумли автомашина Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ туманида, юк кўтарувчи экскаватор Юқори чирчиқ туманида жойлашган карьерда ишлаётганлигини, дастлабки терговда кредитдан бўлган қарздорликни тўлиқ бартараф қилганлигини айтиб, айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаганлигини, банкнинг унга нисбатан давоси йўқлигини, судланмаганлигини, тадбиркорлигини, қарамоғида икки нафар фарзанди борлигини ва оилада ягона боқувчилигини инобатга олиб, унга енгилроқ жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.



Гувоҳ XXXXXXXXXXXXX суд мажлисида, Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 21 ноябрдаги қарори билан «XXXXXXXXXXXXXXXX» МЧЖ банкрот деб топилганлигини, у тугатувчи бошқарувчи этиб тайинланганлигини, у тегишли мониторингни ўтказиб ушбу жамият қасддан банкротликка олиб келинган деган хулосага келиб, прокуратурага хабарнома берганлигини, натижада жиноят иши қўзғатилганлигини, чунки, XXXXXXXXXXXXXXX 2013 йил 31 май куни Мирзо Улуғбек туманида давлат рўйхатидан ўтган «XXXXXXXXXXXXXXXX» МЧЖ раҳбари бўла туриб, 2020 йил ҳолатига АИТБ «XXXXXXXXXXXXXXXX» Яккасарой филиалидан 391.999.909 сўм миқдорида кредитдан қарздорлиги бўлса-да, ушбу даврлар мобайнида жамият ҳисоб-рақамида пул маблағлари бўлишига қарамай, ушбу пул маблағлари ҳисобидан кредитдан бўлган қарздорликни бартараф этиш чораларини кўрмасдан, ҳисоб-рақамдаги пул маблағлари ҳисобидан 112.660.246 сўмини ўзининг таъсисчилиги остидаги «XXXXXXXXXXXXXXXX» МЧЖнинг кредит қарздорлигини бартараф этиш мазмунида ҳамда 336.000.000 сўмини эса жамиятнинг корпоратив картасига ўтказиб олиб, жамиятнинг тўловга қобилиятсизлигини қасддан юзага келтириб, Тошкент туманлараро иқтисодий судининг қарори билан «XXXXXXXXXXXXXXXX» МЧЖни банкрот деб топилишига эришганлигини айтиб, кўрсатув берди.

Қўшимча гувоҳ XXXXXXXXXXXXXXX суд мажлисида гувоҳ XXXXXXXXXXXXXXXнинг кўрсатувларига ўхшаш кўрсатув берди.

Гувоҳ XXXXXXXXXXXXXXX суд мажлисида, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Тошкент шаҳар бошқармасининг тегишли буйруғига асосан “XXXXXXXXXXXXXXXX” МЧЖда ҳужжатли тафтиш ўтказганлигини, текшириш давомида, “XXXXXXXXXXXXXXXX” МЧЖнинг собиқ раҳбари XXXXXXXXXXXXXXX ўзининг таъсисчилигидаги учинчи корхона ҳисобланган “XXXXXXXXXXXXXXXX” МЧЖнинг кредит қарздорлиги учун 23.12.2020 йилда 602,2 минг сўм, 29.12.2020 йилда 26.597,7 минг сўм ва 70.000,0 минг сўм, 15.12.2021 йилда 12.803,7 минг сўм, 17.12.2021 йилда 2.500,0 минг сўм ҳамда 17.10.2023 йилда 156,4 минг сўм, жами 112.660,2 минг сўм пул маблағларини ўтказиб берганлигини, ушбу қарздорликлар “XXXXXXXXXXXXXXXX” МЧЖ томонидан қайтарилмаганлигини, қайтарилмаган **112.660,2 минг сўм** “XXXXXXXXXXXXXXXX” МЧЖга солиқ кодексининг 297-моддасига асосан даромад сифатида қаралиб, солиқ органи томонидан ушбу даромад солиқ базасидан белгиланган солиқ ставкасида солиқларни ҳисоблаш тавсия этилганлигини, “XXXXXXXXXXXXXXXX” МЧЖ томонидан Т.Закированинг тўлов контракти учун 2019 йил 17 сентябрда 3.737.000 сўм ўтказиб берилганлигини, ушбу маблағ ҳам қайтарилмаганлигини, шу сабабли жамиятнинг суд бошқарувчиси томонидан “XXXXXXXXXXXXXXXX” МЧЖ томонидан тўлов интизомини бузуши, муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларни ундириш бўйича белгиланган муддатларда чора-тадбирлар кўрмасликдаги, вужудга келган



бозор конъюктурасига нисбатан етказиб бериладиган товарларга нархларнинг пасайтирилиши ёки оширилишидаги ҳатти-ҳаракатларидан келиб чиқиб, суд бошқарувчиси XXXXXXXXXXXXXXXX томонидан "XXXXXXXXXXXXXXXX" МЧЖда қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари мавжуд деб ҳисобланганлигини, XXXXXXXXXXXXXXXXнинг 07.06.2024 йилдаги қўшимча хулосасида "XXXXXXXXXXXXXXXX" МЧЖнинг банк ҳисоб рақамидаги пул маблағлари ҳаракати қайта ўрганилганида, жамият раҳбари томонидан банкдаги ҳисоб рақами орқали 2013 йилдан 2020 йиллар давомида жами 1.523.314,0 минг сўм пул маблағларини жамиятнинг корпоратив картасига тўлаб берилганлиги аниқланганлиги кўрсатилганлигини, текширувда аниқланган

1.523.314,0 минг сўм солиқ базасига солиқларни ҳисоблашни имкони бўлмаганлигини, бухгалтерия ҳисоботларига кўра, 2021 йил 1 январ ҳолатига товар-моддий захиралари қолдиғи жами 350.000 минг сўм мавжудлиги акс эттирилганлигини, 2021 йил давомида 34.782,6 минг сўмлик ТМБлар реализация қилинганлиги, 315.217,0 минг сўмлик ТМБлар реализация қилинганлиги тўғрисида счет фактуралар расмийлаштирмаганлиги, қолдиқда мавжуд эмаслиги натижасида 315.217,0 минг сўмлик ТМБлар камомади аниқланганлигини, белгиланган 15% фоизлик солиқ ставкасида 47.282,6 минг сўм қўшилган қиймат солиғи ҳисобланганлигини, 2021 йилда жами ҚҚСсиз 34.782,6 минг сўмлик 1 турдаги ТМБлар (SINOTRUK HOWO) реализация қилинганлигини, лекин мавжуд ташқи манба «Ҳисоб-фактура статистикаси»да ушбу товарлар кирим қилинмаганлигини, текширувда аниқланган 34.782,6 минг сўмдан солиқ базасига нисбатан 20 фоизи 6.956,5 минг сўм миқдорида жарима қўлланилиши ҳамда белгиланган солиқ ставкасида 5.217,3 минг сўм фойда солиғи қўшимча ҳисобланганлигини, жамият раҳбари томонидан бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари тақдим қилинмаганлиги сабабли текшириш куни ҳолатига дебитор ва кредитор қарзларни аниқлашнинг имкони бўлмаганлигини, текширув давомида "XXXXXXXXXXXXXXXX" МЧЖга жами 52.499,9 минг сўм қўшимча солиқ ҳисобланганлигини айтиб, кўрсатув берди.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини, ҳимоячининг фикрини, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, XXXXXXXXXXXXXXXXнинг мазкур жиноятларни содир этганликдаги айби унинг суддаги кўрсатувларидан ташқари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, терговга қадар текширув ҳужжатлари, тушунтириш хатлари, «XXXXXXXXXXXXXXXX» МЧЖда ўтказилган дастлабки текшириш ҳужжатлари ва тўпланган ҳужжатлар, тугатиш бошқарувчидан олинган жамият томонидан топширилган ҳисоботлар, ёзишмалар, ўрганишлар, хулосалар ва тўпланган ҳужжатлар, жамиятнинг банк сирини ташкил этувчи ҳужжатлари, ҳужжатли текшириш далолатномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.



Суд, судланувчи XXXXXXXXXXXXXнинг ҳаракатларининг юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг ишониб топширилган ва унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг жуда кўп миқдордаги пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди; товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдорда бузишда ифодаланган ҳаракатлари ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми ва юридик шахснинг мансабдор шахси томонидан шахсий манфаатларини кўзлаб содир этилган қасддан тўловга қобилиятсизликка олиб келиш, яъни тўловга қобилиятсизликни қасддан юзага келтириш, ушбу юридик шахснинг тўловга қобилиятсизлигига олиб кеиш, кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлганлигида ифодаланган ҳаракатлари ЖКнинг 181¹-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, дастлабки тергов органи томонидан XXXXXXXXXXXXX жамият раҳбари бўла туриб, олинган банк кредити маблағининг таъминоти сифатида нотариал тарзда гаровга қўйилган махсус техникаларни банкка тақдим этмасдан, банк томонидан банд солинган мулкни яшириб, уни тасарруф қилган деган хулосага келиниб, XXXXXXXXXXXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 233-моддаси билан айб эълон қилинган.

Бундан ташқари, мол-мулк ҳамда гаровга қўйилган мулк тегишли процессуал тартибда хатланиб, масъулиятли сақлаш учун жисмоний шахсга ёки юридик шахснинг масъул ходимига сақлаш учун топширилганидан сўнг (ёзма равишда огоҳлантирилган ва тегишли тилхат олган ҳолда), ушбу хатланган мулклар ўзлаштирилган, растрата қилинган яширилган, нобуд қилинган ёки унга шикаст етказилган ва ушбу ҳаракатлар ушбу мулкларга анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлган бўлса ЖКнинг 233-моддасида назарда тутилган жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Гарчанд, гаровга қўйилган мулкни XXXXXXXXXXXXX томонидан банкка тақдим этилмаган бўлса-да, у ушбу мулкларни сотмаган ёки бошқа шаклда бегоналаштирмаган.

Юқоридагиларга асосан суд, дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 233-моддаси билан эълон қилинган айблов бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган деган хулосага келиб, уни айбловидан ортиқча эълон қилинганлиги муносабати билан чиқаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қароридан судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги, булардан келиб чиқиб, судланувчининг



жавобгарлиги даражаси хусусиятига қандай ҳолатлар таъсир этганлиги, шунингдек, унинг шахсини тавсифловчи суд муҳокамасида тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 54-моддасига биноан жазо тайинлашда, суд томонидан ҳисобга олинган бошқа ҳолатларни ҳукмда кўрсатиб ўтиш лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарорининг 3-бандида, жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши- ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиной қилмишнинг қонунда қайси тоифага киритилганлиги билан белгиланиши, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиной ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланиши кўрсатилган.

Мазкур қарорнинг 37-бандида ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкинлиги (масалан, моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.) деб қайд этилган.

Суд, юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорининг раҳбарий кўрсатмаларини эътиборга олиб, судланувчи XXXXXXXXXXXXXга нисбатан жазо тайинлашда айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаганлигини, банкнинг унга нисбатан давоси йўқлигини, судланмаганлигини, тадбиркорлигини, қарамоғида икки нафар фарзанди борлигини ва оилада ягона боқувчилигини жазони енгиллаштирувчи



ҳолатлар деб баҳолаб, жиноятни ғаразли ниятларда содир қилганлигини жавобгарлигини оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, жиноятнинг хусусияти ва унга нисбатан қўлланиладиган жазо чораси айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклигини эътиборга олиб, қонуннинг одиллик, инсонпарварлик ва айб учун жавобгарлик принципларига риоя қилган ҳолда, унга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбланаётган моддалар санкциясида назарда тутилган жарима жазосидан ҳам камроқ жарима жазосини жиноят содир этилган пайтда амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиққан ҳолда узил-кесил тайинлашни лозим топади.

Суд, XXXXXXXXXXXXX тадбиркорлик субъекти ҳисобланганлигини инобатга олиб, суд, унга нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш қўшимча жазосини қўлламасликни лозим топади.

Суд, етказилган моддий зарар масаласини муҳокама қилиб, дастлабки терговда «XXXXXXXXXXXXXXXX» МЧЖ номига АИТБ “XXXXXXXXXXXXXXXX” Яккасарой филиалидан олинган 141.500 АҚШ доллари миқдорида кредит тўлиқ қопланганлигини инобатга олишни ҳамда иш бўйича моддий зарар тўлиқ қопланган деб ҳисоблашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454, 457, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига мувофиқ, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

XXXXXXXXXXXXXXXX (XXXXXXXXXXXXXXXX) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 181¹-моддаси 1-қисми ва 189-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида 33.000.000 сўм жарима жазоси тайинлансин;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 181¹-моддаси 1-қисми билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 70 баравари миқдорида 23.100.000 сўм жарима жазоси тайинлансин;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида 33.000.000 сўм жарима жазоси тайинлансин;

XXXXXXXXXXXXXXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 110 баравари миқдорида 36.300.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, XXXXXXXXXXXXXXXга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва Тошкент шаҳар прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига тўланган 7.000.000 (етти миллион) сўм гаров пули



XXXXXXXXXXXXXга қайтарилсин.

«XXXXXXXXXXXXX» МЧЖ номига АИТБ “XXXXXXXXXXXXX” Яккасарой филиалидан олинган 141.500 АҚШ доллари миқдорида кредит дастлабки терговда тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин ҳамда иш бўйича моддий зарар тўлиқ қопланган деб ҳисоблансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва фуқаровий давогар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг эса шу суднинг кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

имзо

С.Абдуганиев

Аслига тўғри:

